O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 22 август, шанба • № 66 (11.049) • Эркин нархда сотилади

БОШ МАҚСАД – ЎЗБЕКИСТОН РАВНАҚИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида мамлакатимизнинг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардаги дипломатик ҳамда консуллик ваколатхоналари вакиллари учун семинар бўлиб ўтди.

Анжуман Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолияти тамойиллари ҳамда устувор йўналишлари масалаларига бағишланди. Шунингдек, унда мамлакатимиз ҳукуматининг минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш борасида олиб бораётган ишлари ҳақида сўз борди.

20 август куни семинар иштирокчилари мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов билан учрашди. Президент мазкур тадбир ташкил этилгани эътиборга молик воқеа эканини қайд этди.

— Юртимиз мустақилликка эришганидан буён биринчи бор шундай тадбир ўтказилаётир, — деди Президент. — Ҳозир Ўзбекистон жаҳоннинг 120 давлати билан дипломатия муносабатлари ўрнатган. Чет элларда Ўзбекистоннинг элчихона, консуллик хизматлари, халқаро ташкилотларда эса ваколатхоналари фаолият кўрсатаётир. Тошкентда бўлиб ўтган анжуман эса сизларнинг ўзаро фикр ва тажриба алмашиб олишингиз учун қулай имконият бўлди. Қолаверса, бундай тадбирлар бизга ҳам фаолиятингиздан кенгроқ хабардор бўлиш, кўпроқ ахборот олишга ёрдам беради.

Президент Ўзбекистоннинг халқаро доирадаги обрўсини янада оширишда чет эллардаги вакилларимизнинг алоҳида ўрни борлигини таъкидлади. Шу боисдан, ҳар бир дипломат Ўзбекистон номини юксалтириш ишига муносиб ҳисса қўшиши керак. Ислом Каримов Ўзбекистоннинг чет эллардаги вакиллари фаолиятига тўхталиб, қилинаётган ишлар ҳамиша ҳам талаблар даражасида бўлмаётганини таъкидлади. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатини юритишда аниқ ва фойдали таклифлар, энг аввало, давлатимизнинг хорижидаги вакилларидан чиқиши керак.

— Сиз фаолият юритаётган мамлакатлар халқи, сиёсатчилари, ишбилармонлари Ўзбекистон ҳақида қандай тасаввурга эга бўлиши кўп жиҳатдан сизнинг фаолиятингизга боғлиқ. Бошқача айтганда, юртимизнинг имкониятини сиз намоён этишингиз керак. Бугун юртимизда амалга оширилаётган ишлар, юритаётган сиёсатимизнинг мазмун-моҳиятини жаҳон аҳлига ким тушунтиради?! Мана, Ўзбекистон мустақил бўлганига ҳадемай етти йил тўлади. Чет эллар билан ўзаро муносабатларимизни янада ривожлантиришга қандай муаммолар тўсқинлик қилмоқда, халқаро алоқаларни янада мустаҳкамлаш учун нималар қилиш керак? Мана шу саволларни атрофлича ўйлаб, режани шу йўналишда тузиш керак. Олдимизга аниқ мақсад қўйиб ишлашга, ўзўзимизга танқидий кўз билан қарашга ўрганмоғимиз лозим. Она юртимиз — Ўзбекистоннинг буюк келажаги, равнақи йўлидаги улкан масъулиятни қалбан ҳис қилиш керак.

Ислом Каримов Ўзбекистон ташқи сиёсий ҳамда иқтисодий фаолиятининг узоқ муддатли стратегияси ҳамда концепциясига алоҳида тўхталди. Дипломатик миссия раҳбарлари олдига Ўзбекистоннинг халқаро доирадаги обрўсини янада ошириш, мамлакатда бозор ислоҳотларини жадаллаштиришга ҳар томонлама ҳисса қўшиш, республикага чет эл сармоясини кўпроқ жалб этиш билан боғлиқ аниқ вазифалар қўйилди.

Учрашувда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А. Файзуллаев, Ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

(ЎзА).

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

1998 йилнинг 21 август куни Ўртачирчиқ туманидаги Ким Пен Хва номли хўжаликда биринчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг саккизинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда вилоят ҳокими муовинлари, ҳокимликнинг бўлим ва бошқармалари бошлиқлари, шаҳар, туман ҳокимлари, хўжаликларнинг раҳбарлари иштирок этдилар.

Сессияни вилоят ҳокими Эркин Рўзиев бошқарди.

Депутатлар сессия ишида вилоят Кенгаши мандат комиссиясининг ахборотини тингладилар, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар кўрсатиш, вилоятда 1998 йилда дон маҳсулотлари етиштиришнинг якунлари ва келгуси йил ғалла ҳосили учун экиш мавсумини сифатли ўтказиш, савдо тизимида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда аҳолининг истеъмол молларига бўлган эҳтиёжини қондириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилдилар.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан вилоят Кенгаши мандат комиссияси раиси, 16-Усмон Юсупов сайлов округидан депутат, Янгийўл шаҳар ҳокими Шуҳрат Қорабоев 4-Шифокор сайлов округидан сайланган вилоят Кенгаши депутати Х. Асатовнинг депутатлик ваколатини муддатидан олдин тўхтатиш тўғрисида берган аризаси юзасидан ахборот берди. Сессия «Ўзбекистон Республикаси депутатларининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига мувофиқ 4-Шифокор сайлов округидан сайланган вилоят Кенгаши депутати Ҳамидулла Асатовнинг ваколатини берган аризасига мувофиқ тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сессияда «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасига мувофиқ вилоят ҳокимининг муовини, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Хўжаева ҳамда Тошкент Давлат юридик институти ректори, Олий Мажлис депутати Ҳалимбой Бобоев номзодларини вилоятдан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолигига тавсия этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан Тошкент вилояти ҳокими Эркин Рўзиев маъруза қилди.

У вилоятда 1998 йилда бошоқли дон экинларидан баракали ҳосил етиштирилганлигини таъкидлаш билан бирга асосий эътиборни йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларга, фойдаланилиши зарур бўлган ички имкониятларга қаратди. 1999 йилда ғалладан янада мўл ва сифатли ҳосил олиш учун ҳозирдан ишга киришиш, биринчи галда уруғчилик билан жиддий шуғулланиш, агротехника тадбирларини маромида ўтказиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш зарур. Вилоят ҳокими, шунингдек, вилоят пахтачилигидаги аҳвол ва йиғим-теримга тайёргарлик тўғрисида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Сессия «Вилоятда 1998 йилда дон маҳсулотлари етиштиришнинг якунлари ва 1999 йилги ғалла ҳосили учун экиш мавсумини сифатли ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Сессияда кун тартибидаги тўртинчи масала — савдо тизимида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда вилоят аҳолисининг истеъмол молларига бўлган эҳтиёжини қондириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида вилоят ҳокимининг муовини Илҳом Асатов ахборот берди. Депутатлар бу тармоқларда ҳам ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, аҳолини истеъмол молларига бўлган эҳтиёжини қондиришда йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан қарор қабул қилдилар.

Сессияда кўрилган масалаларни муҳокама этиш чоғида 18-Пушкин сайлов округидан депутат, Бекобод тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Зикрилла Хўжабеков, 25-Назарбек сайлов округидан депутат, Зангиота тумани ҳокими Ҳасан Нурматов, 41-Ўзбекистон сайлов округидан депутат «Ўзбекистон беш йиллиги» тажриба жамоа хўжалиги раиси Абдумутал Шерматов ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Шу куни 1998 йилда ғалла ҳосилини етиштириш ва ўриб-йиғиб олишда алоҳида жонбозлик ва фидойилик кўрсатган вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқармалари бошлиқлари, ходимлари ва хўжалик раҳбарларидан бир гуруҳига вилоят ҳокимининг эсдалик совғалари топширилди.

ОЛДИ КЎСАКЛАР тиш ёрган айни дамларда пахтазор оралаб, экиннинг ҳолатидан хабардор бўлиб туриш, айниқса, ҳашаротга олдириб қўймаслик чораларини кўриш ғоят долзарб вазифадир.

Бўка тумани «Бахмал» ширкатлар уюшмаси далаларидаги ҳосилнинг чўғини кўриб (чапдан ўнгга) агроном Раҳмонали Туронов, бригада бошлиғи Маҳмудали Тўйчиев, энтимолог Абдужаббор Абдуллаевлар бу масъулиятни чуқур англаб иш олиб бормоқдалар, деб айтиш мумкин.

Ҳусан АВВАЛОВ олган сурат.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

УЧ ВИЛОЯТДАН КЕЛИШДИ

ЯНГИЙЎЛ шаҳрида республика Маданият ишлари вазирлиги, «Халқ ижодиёти» маданий-маърифий ишлар маркази, Тошкент вилояти маданият ишлари бошқармаси ва шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда маданий-маърифий ишларни такомиллаштиришга бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Анжуманда Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятларининг маданият ва маърифат муассасалари ходимлари қатнашдилар. Иштирок этувчилар олдида республика «Халқ ижодиёти» маркази раҳбари Турсунбой Ҳусанов, профессорлардан Тўхтасин Ғофурбеков, Рустам Абдуллаев, «Гулистон» журнали бош муҳаррири Тилаб Маҳмудов, Навоий номидаги республика кутубхонаси директорининг муовини Ҳамида Умарбекова, вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Зоҳид Солиҳовлар сўзга чиқишди. Улар йиғилганларнинг кўплаб саволларига жавоб бердилар.

Зуҳра ҲАЙДАРОВА.

«НУРОНИЙ»НИНГ РЕЖАЛАРИ КАТТА

Мамлакатимиз мустақиллигининг етти йиллигига фахрийлар ҳам алоҳида тайёргарлик кўрмоқдалар. Республика «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлимининг истиқлол байрами муносабати билан белгилаган тадбирлари ва режаларининг кўлами янада кенг.

Куни кеча вилоят бўлимининг Қибрай туманида бўлиб ўтган кўчма йиғилишида бу борадаги ишлар яна бир маротаба муҳокама этилди. Йиғилишда жамғарманинг вилоят, шаҳар, туман бўлимлари раҳбарлари, фахрийлар ташкилотининг фаоллари иштирок этдилар. Унда «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Нўмон Насимов вилоятда 1998 йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишлар ва режалар хусусида ахборот берди.

Дарҳақиқат, сўнгги пайтда жамғарманинг вилоят бўлими томонидан амалга оширилаётган ишлар эътиборга лойиқ. Хусусан, барча шаҳар ва туманларда бўлимнинг ташаббуси ва бевосита фахрийларнинг иштирокида янги боғ-роғлар, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил этилди. Бундан ташқари, улар жойларда турли мавзуларда учрашувлар ва суҳбатлар ўтказиб, ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашга ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Мустақиллигимизнинг етти йиллиги арафасида «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлимининг ҳиммати билан боқувчисини йўқотган, ногирон бўлиб қолган, ёлғиз қарияларга 210 минг сўмлик совғасаломлар ва пул маблағлари тарқатилди. Айниқса, жамғарманинг бевосита шаҳар ва туманларда бўлиб ўтаётган кўчма йиғилишлари бўлимларнинг ишини жонлантиришда катта роль ўйнамоқда.

Шу куни фахрийлар Қибрай туманида амалга оширилаётган ислоҳотлар, бунёд этилаётган янги иншоотлар, спорт масканлари ва жамғарманинг туман бўлими томонидан ташкил этилган Хотира боғини бориб кўрдилар.

Ўз мухбиримиз.

БЕКОБОДНИНГ АРГОН ГАЗИ

АРГОН газа металларни қирқиш ва пайвандлашда ишлатиладиган бебаҳо модда ҳисобланади. Унинг қимматли жиҳати шундаки, бу газ шу мақсадда ҳозирда қўлланилаётган кислороддан анча сифатли ва тежамлидир.

Аммо аргон гази шу пайтгача металлурглар ва бунёдкорлар шаҳри бўлган Бекободда ишлаб чиқарилмасди. Яқинда муаммо ечимини топадиган бўлди. Ҳозир Ўзбекистон металлургия комбинатида АКАР—6 блокини ўрнатиш қизғин давом эттирилмоқда. Бекободдаги ихтитсослашган 93-трестга қарашли С. Юсупов бошлиқ монтаж бригадаси бунёдкорлари қисқа муддатда катта ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишларини бажардилар.

Режага кўра комбинатдаги аргон гази ишлаб чиқарадиган цех шу йилнинг тўртинчи чораги охирларида ишга туширилиши керак. Аммо меҳнат мароминнинг юксаклиги вазифа муддатидан илгари адо этилишидан дарак бермоқда.

Рихситилла КАРИМОВ.

МИЛЛИЙ БАНК БЎЛИМИ ОЧИЛДИ

Янгийўл шаҳрида Ўзбекистон миллий банкининг шаҳар бўлими очилди.

Миллий банк бўлими очилиши маросимида ҳокимлик, корхона, ташкилотлар раҳбарлари, шаҳар жамоатчилиги вакиллари қатнашдилар. Маросимни Янгийўл шаҳар ҳокими Шуҳрат Қорабоев очди. Унда сўзга чиққан Республика ташқи иқтисодий миллий банки бошқаруви раиси Рустам Азимов ушбу банк бўлимининг шаҳар иқтисодиётини юксалтиришдаги аҳамиятини алоҳида таъкидлади.

Аҳмаджон РИХСИБОЕВ.

●Шу сонга ● Шу сонга●

БИРИНЧИ БЎЛИБ

Қибрай туманидаги Ризамат ота Мусамуҳамедов номли жамоа хўжалиги меҳнаткашлари бу йил ҳам баракали ишлашди. Боғдорчилик, сабзавотчиликка ихтисослашган мазкур хўжаликда ҳосил кутилгандан зиёда бўлди.

Улар ҳозиргача 810 тонна ўрнига 820 тонна сархил мева, 390 тонна ўрнига 400 тоннадан ортиқ сабзавот топшириб вилоятда биринчилардан бўлиб топширикни уддаладилар. Бу ютуққа жамоадаги ҳар бир деҳқон, боғбон муносиб ҳисса қўшди. Жалил Жўраев, Абдужалил Ҳакимовлар бошлиқ пудратчи жамоаларнинг улуши, айниқса, салмоқли бўлди. Ғофур Турсунов, Собир Эгамбердиев, Маҳамат Турсунов, Мирсоат Мирзараимов, Захро Убайдуллаева, Арслон Бойнафасов сингари пудратчилар эса кўпчиликка намуна кўрсатдилар.

Хўжаликнинг узумзорларидаги ҳосил чўғи ҳам кўзни қувонтиради. Эрта-индин узум узишга киришилади.

Абдуҳамид ФОЗИЛОВ.

«ЭЛ НЕТИБ ТОПҒАЙ МЕНИКИМ...»

Набирам истиқлол акасининг туғилган кунини икки ёшга қадам қўйиб байрам қилади.

Истиқлол билан тенгдош болалар эса, байрамнинг эртасигаёқ маткабга боради.

Мактаб — ҳарф ўрганиш, билим олишгина эмас. Мактаб — ҳаётга қадам қўйиш, истиқлол билан тенг одим ташлаб, тобора чиниқиш, вояга етиш, синовлар, муқаррарлиги муқаррар машаққатларни енгиб ўтиш, йигирма биринчи аср эгаси бўлиш, бу асрни Ўзбекистонимиз камолоти асрига айлантиришдир.

Истиқлол фарзандлари зиммасига ана шундай масъулият юкланган...

...Набирам билан Ўзбекистон Миллий боғи остонасида, ҳазрат мир Алишер Навоий бобомиз ҳайкали пойидаман. Дўппим ерга теггудай бўлиб, бобомизнинг шийпонча тепасига битилган:

«Олам аҳли билингиз, иш эмас душманлиг, Ёр ўлинг бир-бирингизгаким, иш эрур ёрлиг...»

деган байтини ўқийман.

Мустақилликнинг дастлабки куниданоқ республикамизда ҳаёт шу тамойил асосида бошланди. Давлатимизнинг атиги етти йил ичида қўлга киритган ютуқлари, ҳатто нодўстларимиз ҳам «Ўзбекистон — Марказий Осиё «йўлбарси» деб эътироф этишга мажбур бўлгани — асосан юртбошимизнинг доно сиёсати, бевосита ташаббуси ҳамда фидойиларча саъй-ҳаракатлари туфайли мавжуд бўлган тинчлик, барқарорлик, миллатлараро тотувлик, фуқаролар аҳиллиги самарасидир. Давлатимиз раҳбари мана шу вазиятни энг катта, энг асосий ютуқ деб баҳолаши ҳам бежиз эмас.

Кўриб турибмиз, «Қизил империя» салтанати барбод бўлганидан кейин мустақилликка эришган кўпгина давлатлар ўз йўлини тополмай, анча довдиради. Уларнинг ҳатто ҳозир, етти йилдан сўнг довдираб турганлари

ИСТИҚЛОЛ ҲАҚИДА СЎЗ

ҳам йўқ эмас. Ўзбекистон, Ўзбекистонимиз эса...

Аввало, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонимиз ўз мустақиллигини ҳали ўша истибдод салтанати мавжуд бўлиб турган пайтдаёқ эълон қилган эди.

Ўзбекистонимизгагина хос бўлган яна бир хусусият. Кўпчиликнинг эсидан чиққан бўлиши, ёшлар ҳатто билмаслиги ҳам мумкин бўлган бир тарихий фактни эслатмоқчиман. Ҳали шўролар салтанати «гуркираб» турган, бинобарин, ҳали барча республикалар ҳар бир қадамини Москванинг «оғзига қараб» ташлаётган бир пайтда Ўзбекистонда Президентлик лавозими жорий этилди. Ўша пайтда СССР Олий Совети сессиясини кўриб ўтирганлар Москванинг бу ҳодисага қай даражада ижирғаниш, киноя билан қараганини билади. Лекин, орадан кўп ўтмай, барча республикалар биринкетин биздан ибрат олди — ҳар бир давлатда президент сайланди.

«Бола бошидан...» дейилганидек, Ўзбекистоннинг «йўлбарс»лиги ўшандаёқ намоён бўлган эди. Бу ҳодиса ўз вақтида эмас, анча кеч, бор ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайдиган пайтга келибгина илгангани бизнинг айбимиз эмас, албатта...

Ўзбекистонимиз биринчилардан бўлиб дунё давлатлари томонидан эътироф этилди, биринчилардан бўлиб ўз байроғи, герби, мадҳиясига эга бўлди (бу ўринда ҳозиргача мадҳияси йўқ давлатлар борлигини эслатиб ўтиш ҳам ўринли бўлса керак), биринчилардан бўлиб Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди, биринчилардан бўлиб хорижий сармояларни жалб этган ҳолда келажак пойдеворини қуришга киришди.

Ўзбекистонимиз биринчилардан бўлиб...

Бу «биринчи»ликлар рўйхатини жуда узоқ давом эттириш мумкин.

Шуни ҳам биламизки, бой одамлар ақлли бўлади, ёки, бошқача айтадиган бўлсак, ақлли кишиларгина

(Давоми 2-бетда).

«ЭЛ НЕТИБ ТОПҒАЙ МЕНИКИМ...»

(Давоми. Боши 1-бетда).

бой бўлади. Демак, ҳар қандай бой, қанчалик тўлиб-тошиб кетган бўлмасин, бир тийинни ҳам беҳуда сарфламайди. Бинобарин, ҳеч ким, яъни ҳеч қандай хорижий фирма, компания ёки ташкилот вазият барқарор бўлмаган, ҳамкорликдан «қуйиб» қолиши эҳтимоли бор, иқтисодий салоҳияти заиф бўлган давлатга сармоя ётқизмайди.

Бу — барча давлатлар, халқаро компания, фирма, ташкилотлар Ўзбекистонимиз мустақил давлат сифатида жуда ёш, «мурғак» бўлишига қарамасдан, ирсият қонунига амал қилиб, яъни, буюк давлатчилик тарихи анъаналарини қайта тиклаётган, ҳақиқий мустақил «йўлбарс» эканига амин бўлганининг далолати эмасми?

...Хаёлимдан шу гаплар кечар экан, набирамга қарайман. Унинг — худога шукр — саломатлиги, энг муҳими, ёшига нисбат бериб бўлмайдиган даражадаги сергаклиги, ўктамлигидан қувонаман. Янги аср тақдири, Ўзбекистонимизнинг камолоти ана шундай соғлом авлод қўлида эканидан ниҳоятда кўнглим кўтарилиб кетади...

Энди бу «йўлбарс»ликнинг яна бир-икки жиҳатига назар ташлайлик.

Дастлаб, жиндай мулоҳаза.

Мустақиллик майдонида Тошкентимиз, Ўзбекистонимиздаги энг юксак бино жойлашган. Эсларингизда бўлса, Президентимиз бир гал ана шу бино мисолида ҳар қандай бинонинг юксаклиги ҳамда мустаҳкамлиги унинг пойдевори қанчалик чуқур кетгани, бинобарин, қанчалик пишиқлигига бевосита боғлиқлигини айтган эди.

Ўзбекистон деб аталмиш муқаддас, буюк бинонинг кун сайин эмас, соат сайин мана шундай ўсиб, кўзга ташланиб бораётганининг энг муҳим сабаби унинг ана шу пойдевори — тарихи бутунлиги, мустаҳкамлигида, деб ўйлайман.

Энди «йўлбарс»ликнинг айрим жиҳатлари хусусида.

Ўзбекистонимиз биринчилардан эмас, биринчи бўлиб тараққиётнинг ўзига хос ва мос йўлини танлаб олди. Бу йўлнинг нақадар тўғрилиги аллақачон аён бўлган. Юқорида айтилганидек, ҳатто нодўстларимиз бизга беришга мажбур бўлган таъриф бунинг далолати.

Шу туфайли, атиги етти йил ичида илгариги «бутун жаҳон ҳавас қиладиган» қарийб саксон йиллик даврда юз бермаган воқеалар содир бўлди.

Дунё дарахти бунёд бўлибдики, бугунги кунда «бозор иқтисодиёти» деб ном олган, ўзбеклар эса, қадим-қадимдан «отанг бозор, онанг бозор» деб атаб келган тамойил асосида ривожланган, октябрь тўнтаришидан кейин «Ленин бобомиз» бу дарахтни кесиб ташлаб, ўрнига «план» деган сунъий дарахтни «пайванд қилган» эди. Бу дарахтнинг «мева»сини ҳаммамиз тотиб кўрганмиз. Мустақиллик даврида ўша, дунёга тенгдош қадимий дарахтни асл ҳолига келтиришга киришилди.

Натижада...

Натижада мана шу қисқа вақт мобайнида иқтисодиёт йўлга қўйилди, нефт ва ғалла мустақиллигига эришилди.

Илгари бирон-бир бино қурилиши бошланса, иш ўн йиллаб давом этишига кўникиб қолган эдик. Ҳозир эса, бугун бир жойда қурилиш бошланганига кўзингиз тушса, эртага унинг битиб турганини кўрасиз. Тошкентимиз, бутун Ўзбекистонимизнинг барча шаҳар-қишлоқлари қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди.

Истиқлол йилларида биргина Тошкентимизнинг ўзида барпо этилган Ўзбекистон миллий боғи, «Туркистон» саройи, Темурийлар музейи, ёзу қишда бемалол мусобақа ўтказса бўладиган «Юнусобод» теннис корти, марказий ва миллий банк бинолари, «Интерконтинентал» сингари муҳташам меҳмонхоналар, кейинги бир йил ичида қад кўтариб, фойдаланишга топширилган Олий Мажлис ҳамда Тошкент шаҳри ҳокимлиги бинолари... Жаҳондаги ҳар қандай давлатда қурилган ҳар қандай иншоот билан «беллаша» олади.

Буюк соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг: «Қудратимизга шубҳа қилган кишилар биз бунёд этган иншоотларни келиб кўрсин», деган сўзлари Ўзбекистон деган иншоотнинг пойдевори нақадар мустаҳкам экани, Ўзбекистон деган муаззам дарахтнинг илдизи нақадар чуқурга кетгани, узоқ тарихга бориб тақалишини исботлаб турибди.

Юртбошимиз ишлаб чиққан беш тамойил асосида тараққиётнинг ўзига хос ва ўзига мос йўлини танлаб олган Ўзбекистонимиз ҳамма жабҳада МДҲ давлатларидан жуда илгарилаб кетди: ўта қисқа муддатда жисмонан, яъни иқтисодий жиҳатдан оёққа туриб олганидан ташқари, жаҳон ҳамжамияти майдонида ўзига муносиб ўрин эгаллади.

Ўзбекистонимиз ўз йўлбошчиси сиймосида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбаридан туриб, оламшумул муаммоларни ўртага ташламоқда, ҳатто БМТ тузилмасини ўзгартириш хусусида таклиф киритмоқда, шу билан бирга БМТ, ЮНЕСКО ҳамда бошқа барча нуфузли халқаро ташкилотлар ишида фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистонимизда «Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона» мавзусидаги конференция, бошқа жуда кўп оламшумул муаммоларга бағишланган халқаро анжуманлар ўтказилгани ва ўтказилаётгани, республикамиз раҳбарининг уруш бўлаётган мамлакатларга қурол етказиб беришни тўхтатиш ҳамда наркотик моддалар тарқатилишига қарши курашни кучайтириш тўғрисида жуда кўп минбарлардан туриб гапираётгани ҳам юртимизнинг ўзига хос нуфузини кўрсатиб турибди.

...Дам Навоий бобосига, дам атрофга ҳайрат билан қараб, ҳайрат билан қийқириб турган набирамга қараб-қараб қўярканман, хаёлимга яна бир нарса келди.

Ўзбекистонимиз, ниҳоятда сергак ва ҳушёрлиги туфайли, ҳеч нарсани бирбири билан аралаш-қуралаш қилиб қўймайди. Мана шундай жиддий, муҳим, оламшумул муаммоларни ечишда бевосита иштирок этаётгани ҳолда, республикамиз ўзи аъзо бўлган, бутунлай иқтисодий ҳамкорлик кўзда тутилган бошқа ташкилотларда сиёсий масалаларни ўртага ташламаслик ташаббуси билан чиқяпти. Президентимизнинг ЭКО йиғинлари ҳамда МДҲ давлатлари бошлиқлари учрашувларидаги нутқлари ва тутган кескин йўли буни исботлаб турибди.

Ўзбекистонимиз иқтисодиёт билан бирга маънавиятни ривожлантиришга бераётган катта эътибор ҳам жаҳон ҳамжамияти назаридан четда қолгани йўқ.

Буюк соҳибқирон Амир Темур бобомиз, жаҳон дурдоналари бўлмиш Бухоро ва Хива сингари шаҳарларимизнинг юбилейи ЮНЕСКО иштирокида Парижда нишонланиши ҳазилакам гап эмас.

Ўзбекистонимизда «Шарқ тароналари», жаҳон театр ва кино фестиваллари, «Президент кубоги» сингари улкан халқаро спорт анжуманлари ўтказилиши анъанага айланиб қолди. Маънавият, маърифат борасида ҳам мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди. Барча ижодий ташкилотларнинг номи ва тузилмаси Ўзбекистонимизгагина хос равишда ўзгартирилди. Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур ишлаб чиқилди, таълим тизими тубдан ўзгартирилмоқда...

Хуллас, Ўзбекистонимизда амалга оширилаётган ишлар кўлами ва салмоғи етти эмас, етмиш йилга татигулик.

Бу ишларнинг барчаси ҳали «мурғак» Ўзбекистонимизнинг қўлидан тутиб, дадил етаклаётган юртбошимиз номи билан боғлиқ эканини ҳар бир инсофли киши эътироф этади.

Хаёлимга ҳазрат Навоий бобомизнинг яна бир байти келди:

«Бу гулшан ичра чу йўқтур баҳо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур қолса яхшилик била от...»

...Набирамга қарайман. У фикримни уққандай, бирдан жиддий тортиб қолгандай туюлади.

Ўзбекистонимиз етти йил ичида шунча ютуқларга эришганининг сабаби нимада, деб сўраладиган бўлса, мен мустақилликнинг дастлабки куниданоқ ўзимизни таниб олганимизда, деб жавоб берган бўлардим.

Чунки, ҳазрат Навоий бобомиз айтиб қўйган:

«Эл нетиб топғай меникиким, мен ўзимни топмасам...»

Ана шунақа гаплар, Санжархон!

Ўзбекистонимизнинг ҳақиқий фарзанди, ҳақиқий фуқароси бўламан, десангиз, энг аввало, юртингиз сингари, ўзингизни топиб олинг...

М. ХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

БАЙРАМ ДАСТУРХОНИГА

ТЎЙ-ТОМОША, байрам шодиёналари, таваллуд онлари, меҳмон-излом келиши... Бундай кезларда албатта, ўзбек хонадонида дастурхон тузалади. Унинг кўрки эса — энг азиз неъмат нон ҳисобланади. Бу азалий удумни яхши тушунган Оҳангарон нон комбинати ходимлари кундузни кундуз, кечани кеча демай, аҳолига ана шу тансиқ маҳсулотларни етказиб бермоқдалар.

«Оҳангарон-нон» хусусий корхонасида ҳар куни деярли 4-4,5 тонна нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Маълумки, эрталаб ҳам, тушда ҳам, оқшомда ҳам дастурхонимизда пайдо бўладиган бўрсилдоқ нонлар ундан ҳосил этилади. Шу боис, бу йил корхонага 600 тоннага яқин ҳар хил нав унлар келтирилди. Шу тариқа йилнинг ўтган етти ойи мобайнида 43 тонна олий навли, 734 тонна биринчи навли, 19 тонна «Ўзбекистон» унидан ёпилган нонлар аҳоли эҳтиёжига яради.

Ислоҳотларни изчиллик билан амалга ошираётган корхона жамоаси, айниқса, кейинги йилларда сезиларли ижобий натижаларни қўлга киритдилар. Бу ишларга корхона раҳбари Жаҳонгир Мадаминов бош-қош бўлди. Масъулиятни, ишбилармонликни, жонкуярликни раҳбар учун фазилат деб билган директор ишни корхонани қайта жиҳозлашдан бошлади. Эскирган цехлар қайта таъмирланди, замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилди, анъанавий маҳсулотларнинг замонавий турлари ўзлаштирилди. Халқимизнинг ҳамма нарса раҳбарга боғлиқ, деган писандалари тўғри чиқди.

Сўнгги икки ярим йил ичида, айтиш мумкинки, корхона қаддини мағрур ростлади. Бундай хайрли ишларга цех усталари С. Сиддиқжонова, Т. Абдусатторовалар, М. Боймақова, Б. Бегматова, Б. Ғойипова сингари ишчилар муносиб ҳисса қўшдилар. Шу боис улар юқори ташкилот — вилоят матлубот жамиятлари уюшмасининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

— Байрам арафасида ходимларимиз ўзгача ғайрат-шижоат билан тер тўкмоқдалар, — дейди ҳисобкитобдан миннатдор бўлган бош ҳисобчи Т. Жукова. — Ана шу айём арафасида корхонамиз қошида «Иссиқ нон» дўконининг очилганлиги ҳам аҳолини ғоят хурсанд қилди. Мустақиллик айёмлари кунида байрам дастурхонларида ўз маҳсулотларимизни кўрганимизда дилимиз яйраб кетади. Чунки, ҳар бир буханка нонда, ҳар дона макаронда, ҳар бир ширмойида жамоа аъзолари бармоқларининг изи борлиги қалбларга ҳузур бахш этади. Зотан, меҳнатнинг мевасидан ҳам ширинроқ ҳеч нарса йўқдир.

Абдураҳим УМАРБЕКОВ,
Ҳусанбой АВВАЛОВ.

СУРАТЛАРДА: (чапда) жамоа ҳурматига сазовор бўлган илғор новвой Ҳамида Қосимова; (ўнгда) лаборатория бошлиғи Васила Назарова ишчи Баҳри Бегматова билан маҳсулотлар сифатини текширмоқда.

Кўргазмага марҳамат!

«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»: КЕЛИНГ, ОЛИНГ, ФОЙДАЛАНИНГ

РЕСПУБЛИКАМИЗ Президенти меҳнаткашлар ўз қобилиятларини тўла намоён этишлари учун кенг имкониятлар яратишга катта эътибор бермоқда. Юртбошимизнинг «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнеси ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим қадам бўлди десак асло янглишмаган бўламиз.

Одатда Фармон ҳам, қарор ҳам қабул қилинсаю, ижроси таъминланмаса, уларни бажариш учун имкониятлар яратилмаса, қоғозда қолиб кетаверади. Аммо юртимизда барча фармон ва қарорлар ижроси доимо назоратди. Уларни амалга ошириш учун катта ишлар амалга оширилаётир.

Бу борада Республика Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги олиб бораётган ишлар таҳсинга лойиқ. «Ўзэкспомарказ»нинг 800 квадрат метрли павильонида 24-27 август кунлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришда ишлатиладиган ихчам ускуналар ва минитехнологиялар кўргазамасини ўтказишни режалаштирган.

Бу кўргазма кейинчалик Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ҳам ташкил этилади ва у 1999 йилнинг февраль ойигача давом этади. Хўш, ишбилармонларга кўргазма нима бериши мумкин?

Аввало, шуни айтиш керакки, кўргазмага қўйилган барча механизм ва ускуналар юқори унумлилиги ва тежамлилиги билан ажралиб туради. Бундан ташқари улар ёрдамида ишлаб чиқариладиган маҳсулот жаҳон андозаси талабларига жавоб берадиган бўлади.

Харидорлар шу ернинг ўзида мутахассислардан малакали маслаҳат ва ёрдам олишлари мумкин. Шунинг учун ҳам республика ҳукумати бу кўргазмага катта эътибор бермоқда.

Кўргазмада Болгария, Туркия, Олмония, Италия, Франция, Чехия, Бельгия, Ўзбекистон ва бошқа бир қатор мамлакатларнинг етакчи фирма ва компаниялари ўзларининг ускуна ва технологияларини намойиш этадилар. Бу тадбирда кичик ва ўрта бизнес, фермер ва деҳқон хўжаликлари вакилларига минизаводлар, қадоқлаш ускуналари комплекти, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи автоматик линиялар, кичик новвойхоналар, қандолатчилик цехлари, озиқ-овқат саноати учун жиҳозлар, уй-рўзғор буюмлари, паррандаларни озиқлантирувчи ускуналарини олиш имконияти берилади. Кўргазма иштирокчиларининг кўлами жуда кенг бўлиб, булар: «Карпиджани», «Демирташ», «Фудмаш Лизинг», «Вено», «Техагри проект», «Экмасан», «Тен Эльсен-Шпехт», «Сидель», «Паул Буссе ГмбХ», «Мак интернейшнл», «Ай-Ти-Эс Интертек Тестинг», «Примус» фирмаларидир. Шунингдек, кўргазманинг Исроил давлати миллий бўлимида «Эм Эй Ди Эгркалчерал Продактс Дэвэлопмэнт Корпорэйшен Лтд», «Пэклайн», Исроил давлатининг Иқтисодиёт институти каби 15 дан зиёд фирмалари иштирок этадилар. Мазкур тадбирда Ватанимизнинг «ТТЗ», «ДХБ», «Агротаъминот ХБ», «Матлуботтаъминот» ОТҲБ, «ПГС», «Асакабанк» ва бошқа етакчи компаниялари қатнашадилар.

Ўз ишининг янада равнақини ўйлаган ҳар бир тадбиркор бу ердан зарур бўлган нарсаларни, албатта топади.

М. ИСМОИЛОВА.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН ДАДИЛ ИЛГАРИЛАМОҚДА

Мамлакатимиз мустақиллигининг етти йиллиги арафасида кўплаб давлат ва жамоат арбоблари, маданият ва фан намояндалари ҳамда турли жабҳаларда фаолият кўрсатаётган хорижий мамлакатларнинг вакиллари тобора яқинлашиб келаётган қутлуғ айём муносабати билан халқимизга ўзларининг табрик сўзлари, эзгу тилакларини изҳор этишаётир. Улар орасида дипломатия корпусининг кўплаб вакиллари ҳам бор. Ушбу қутлуғ айём олдидан Германиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Райнхарт Биндзайл ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Германия билан Ўзбекистон ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ҳамкорлик алоқалари йил сайин кенгайиб бораётир. Биргина 1997 йилнинг ўзида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-сотиқ ҳажми 1 миллиард немис маркасини ташкил қилди.

Ўзбекистонда Германиянинг юзга яқин йирик фирма ва компанияларининг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Германия бундан кейин ҳам Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдордир. Шу сабабдан, Германия Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётига қатта қизиқиш билан қарайди.

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни жадаллаштириш, хусусийлаштириш, молия бозорини ривожлантириш, сармояни ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш борасида ҳам ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилган. Германия Ўзбекистонга ҳар йили ўртача 25-30 миллион марка миқдорида молиявий ёрдам кўрсатади. Бу йил унинг ҳажми яна 10 миллион маркага ошиши мумкин. Германиянинг имтиёзли кредитлари Тошкент аэропортидаги учиш-қўниш йўлакларини таъмирлаш, Чирчиқдаги телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш, Хоразмда аҳолини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш каби ишларни амалга оширишга сарфланмоқда. Дастлабки кредитлар қишлоқ хўжалиги техникасини яхшилаш, солиқ тизимини ривожлантириш, атроф муҳитни ҳимоя қилишга қаратилган ишларга сарфланган эди.

Германия — Ўзбекистон ҳамкорлиги доирасида доимий ўтказиладиган семинар ва конференциялар ҳам эътиборга молик. Мисол тариқасида, «Савдо, сармоя ва молия» ишчи гуруҳининг 1998 йил май ойида ўтказган йиғилишини келтириш мумкин. Йиғилиш натижаларига кўра, мазкур гуруҳнинг иши ҳар томонлама фойдали, деб баҳоланди. Бундай тадбирлар келгусида икки томонлама алоқаларнинг янада кенгайиши учун хизмат қилади.

Келгуси режалар ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин: 1998 йилнинг кузида Боннда Германия ва Ўзбекистон ҳукуматлари вакиллари ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтади. Таъкидлаш жоизки, Германиянинг Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонга бўлган иқтисодий қизиқиши катта. 1998 йилнинг ноябрь ойи бошида Боннда Марказий Осиё — Германия савдо палатасининг конференцияси бўлади.

Маданий ҳамкорлик борасидаги янгилик сифатида эса шу йилнинг апрелида Тошкентда Волфганг Гёте институти бўлими ўз фаолиятини бошлаганини айтиш мумкин.

МУСТАҚИЛЛИК — ХОРИЖЛИКЛАР НИГОҲИДА

Мамлакатингиз мустақиллиги биз учун ҳам катта ҳодиса бўлди.

Айни пайтда Ўзбекистон халқи мустақиллиқ ғоясини янада мустаҳкамлаш учун ҳормай-толмай якдиллик билан меҳнат қилаётир. Ҳозир Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар эртага албатта, ўзининг самарасини беради. Бу эса мамлакатингизнинг жаҳон ҳамжамияти олдидаги мавқеини янада юксалтириш учун хизмат қилади. Ўзбекистон қисқа муддат ичида шундай муваффақиятларга эришганининг сабаби шундаки, у хорижий давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини тобора кенгайтирмоқда. Мамлакатингиз раҳбарияти жаҳондаги нуфузли халқаро ташкилотлар билан муносабатларни кундан-кун ривожлантиряпти, давлат тараққиёти йўлида жаҳонда тан олинган дунёвий меъёр ва анъаналарга суяниб иш кўрмоқда.

Мен Ўзбекистон халқига келгусида ўз давлатининг сиёсий ва иқтисодий тараққиёти йўлида улкан ютуқлар тилайман. Ўзбекистоннинг келажаги, ҳақиқатан ҳам, буюк. Мана шундай дадил ишонч халқингизга доимо ҳамроҳ бўлсин.

Аброр ҚИЛИЧЕВ.
(ЎзА).

ЛИЦЕЙДА БАНК СИНФЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН банк ассоциацияси республикамизда янги турдаги ўқув юртлари фаолиятларини йўлга қўйиш ишига яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

Шу мақсадда ассоциация Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси билан шартнома тузди.

Ана шу келишувга биноан Чирчиқ шаҳридаги иҳтисодий-иқтисодий лицейда банк синфлари очилди. Янги ўқув йилидан шаҳардаги 14-мактабда ҳам банк синфлари фаолият кўрсата бошлайди. Бу синфларни жиҳозлаш ва керакли буюмлар билан таъминлаш учун ассоциация қўшимча маблағ ажратди.

Акбар АЛИЕВ.

Миллий дастур

РЕЙТИНГ — ИСТИҚБОЛЛИ ТИЗИМ

ОЛМАЛИҚ шаҳридаги 5-мактаб гимназия ўқувчилар билимини рейтинг усулида синаш бўйича бир неча йиллардан бери бой тажриба тўплаган ўқув даргоҳи ҳисобланади. Республика Халқ таълими вазирлиги, вилоят халқ таълими бошқармаси тизимидаги малакали мутахассислар мактабни ўқувчилар билимини кўп балли йўналишда баҳолаш бўйича вилоят миқёсидаги синов майдонига лойиқ деб топишди.

Шу муносабат билан мазкур муассасада «Рейтинг — истиқболли тизим» мавзуида анжуман бўлиб ўтди. Семинарни вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг муовини Анвар Зокиров очди.

Анжуманда вилоятимиз барча шаҳар ва туманлари халқ таълими бўлими мудирлари, рейтинг бўйича шуғулланаётган мактаблар ўқитувчилари, Сирдарё вилояти халқ таълими бошқармаси, Тошкент, Самарқанд шаҳарлари халқ таълими бўлимларидан ташриф буюрган вакиллар иштирок этдилар.

Семинарда «Ўрта умумтаълим мактабларда рейтинг тизимини жорий этиш муаммолари», «Тошкент вилоятида рейтинг тизимининг амалда тадбиқ қилиниши», «Рейтинг ва амалиёт» мавзуларида Республика Халқ таълими вазирлигининг масъул ходими О. Каландаров, Сирдарё вилоятининг Шароф Рашидов туманидаги 22-мактаб лицей директори М. Бобожонов, Тошкент вилояти Халқ таълими бошқармаси умумтаълим бўлимининг мудири Р. Зинуровалар суҳбат ўтказдилар.

Сўнгра иштирокчилар рейтинг тизимини амалда қўллайдиган ўқитувчилар билан учрашдилар. Олмалиқ шаҳар халқ таълими бўлими мудири Қаршибой Холматов, 5-мактаб-гимназия директори Зилха Фозиловалар қатнашчиларни мактаб ҳужжатлари, махсус услубий адабиётлар ҳамда рейтинг тизими учун ажратилган компьютерлар билан таништирдилар.

Анжуман қатнашчиларига ҳар бир фан бўйича ўқувчи билимини атрофлича синаш, балл қўйиш тартиблари ҳам батафсил тушунтирилди.

Шунингдек, мазкур мулоқотда рейтинг тизими бўйича тўплаган тажрибалари хусусида Олмалиқ шаҳар Халқ таълими бўлими услубиёт хонаси мудираси Дилбар Тўхтаева, Ўртачирчиқ тумани лицейи услубиёт хонаси мудираси Назира Ботирова ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Анжуман иштирокчилари бошланғич синфлар учун дастлабки тажриба тариқасида тавсия этилган «Умумтаълим мактабларида ўқувчилар билимини рейтинг усулида синаш тўғрисидаги Низом», шунингдек, Тошкент вилоят халқ таълими бошқармаси ва Олмалиқ шаҳар халқ таълими бўлими биргаликда тайёрлаган «Стандартлаштирилган мажбурий назорат ишлари ҳамда рейтинг балларининг ҳисоблаш жадваллари намунаси тўплами» билан таништдилар.

Семинарда рейтинг тизими тўғрисидаги йўналиш бўйича 5-мактаб-гимназия вилоятда таянч база деб эълон қилинди. Шунингдек, бу тизим бўйича Тошкентдаги 60-, Олмаликдаги 18-, Сирдарё вилоятидаги 22-мактаблар тажрибасидан кенг фойдаланиш тавсия этилди.

Саидвали ҲАСАНОВ.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

● МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР

● ЯКИН ШАРҚДА тинчлик ўрнатиш жараёнини жонлантириш мақсадида АҚШ, Англия, Франция, Россия сингари давлатларнинг юқори мартабали арбоблари ўзларининг саъй-ҳаракатларини давом эттирмоқдалар. Жорий ҳафта бошида РФ ташқи ишлар вазирлиги бир гуруҳ дипломатларнинг Исроилга бориши мумкинлиги тўғрисида хабар тарқатди.

● РФ ЧЕГАРА хизмати директори Николай Бордюжа сешанба куни Тожикистонга келди. У Тожикистон раҳбарлари билан учрашди. МДҲга аъзо бўлган давлатлар чегараларини муҳофаза этиш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар хусусида фикр юритди.

● ШУ ЙИЛ бошида собиқ Заир пойтахтида қўзғолончилар яккаҳоким С. С. Мобутунинг ағдарилганлиги муносабати билан ўзларининг ғалабасини нишонлаган эдилар. Конго Демократик Республикаси деб атала бошлаган бу мамлакатда бугун яна қонли тўқнашувлар авжига чиқмоқда. Тутсу қабиласига мансуб ҳарбий қисмлар президент Лоран-Дезире Кабила тузумига қарши исён кўтардилар. Маълумотларга қараганда, исёнчилар 6 миллион аҳоли яшайдиган мамлакат пойтахти — Киншасага яқинлашмоқдалар. Қатор чет эл элчихоналари пойтахтни тарк эта бошладилар.

● АЛБАНИЯ Ислом Конференцияси Ташкилоти таркибидан чиққанлигини эълон қилди. Олти йил муқаддам мазкур ташкилотга кириб, хато қилган эканмиз, — деди бош вазир Ф. Нану. У ватандошларини Овруподан андоза олишга чақирди.

● КУБА иқтисодиётига жалб этилаётган чет эл инвестициялари 2,2 миллиард доллардан ошиб кетди.

● КОСОВОЛИК албанлар Феми Агани раҳбарлигида Белград билан музокаралар бошлашга рози эканлигини билдирдилар. Косово Озодлик Армияси деб аталган жангари ташкилот аъзолари делегация таркибига киритилмади.

«ГАЗАНДАЛАР УЯСИ»ГА ЗАРБА БЕРИЛДИ

«ИНТЕРНЕТ» ахборот тармоғининг хабар беришича, пайшанба куни террорчи газандалар уяси ҳисобланган — Афғонистондаги Асуа Калий ал-Бадер мажмуасига ҳамда Судан пойтахти яқинидаги «Шифа» компаниясининг дори заводига ракеталар орқали зарба берилди. АҚШ президенти Б. Клинтоннинг гапларига қараганда, мазкур нуқталар бевосита террорчилик билан боғлиқ жойлар ҳисобланади. Кения ва Танзания пойтахтларида АҚШ элчихоналарига уюштирилган тажовузларнинг бош раҳнамоси — саудия арабистонилик бойвачча-миллионер Усама бин Ладен баайни Афғонистондан, «толибон»чилар оғушидан паногоҳ топган эди. Судан пойтахти яқинидаги корхонада эса кимёвий қуроллар ишлаб чиқарилмоқда ва улар Усама бин Ладенга етказиб берилмоқда, деб гумон қилинган эди.

Эн-Би-Си ҳамда Си-Эн-Эн телекомпанияларининг Пентагондан олган хабарларига қараганда, АҚШ ракета зарбалари беришда тайёралардан фойдаланмаган. «Томагавк» туркумидаги қанотли ракеталар АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларининг Қизил денгиз ва Форс кўрфазида турган учта сувости ҳамда битта сувости кемаларидан учирилди. Маълумотларга кўра, қанотли ракеталар сони 75 тадан 100 тага етади. АҚШ қуролли кучлари штаб бошлиқлари бирлашган қўмитаси раиси генерал Г. Шелтон гапларига қараганда, берилган зарбалар натижалари бир неча кундан кейин маълум бўлади. АҚШ махсус хизматлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари террорчиларнинг АҚШ ҳудудларида амалга ошириши мумкин бўлган жавоб хатти-ҳаракатларини йўққа чиқариш учун барча чора-тадбирларни кўрмоқдалар.

МОЛИЯВИЙ ИНҚИРОЗ — ЭНГ ХАВФЛИ «ДУШМАН»

РОССИЯДАГИ молиявий инқироз туфайли РФ ҳукумати, молия, иқтисодиёт вазирликлари, Марказий Банк доираларида, айтиш мумкинки, чинакам «қалтираш» бошланди. Бунга Шарқий Осиё мамлакатларидаги иқтисодий танглик, жаҳон бозорида нефть маҳсулотлари нархининг арзонлашиши ва бошқа ҳолатлар сабаб бўлди.

Куни кеча Россия Марказий Банки мамлакат миллий валютасининг АҚШ долларига нисбатан курсини 6 рублдан 9,5 рублгача белгилади. Кузатувчиларнинг фикрича, гарчи ҳукумат раиси С. Кириенко саросимага тушишга асос йўқ, деган бўлса-да, Россия молия бозорида аҳвол ҳамон мураккаблигича қолмоқда.

Ҳафта бошида Россия ҳукумати ҳамда Марказий Банк Россиянинг молиявий сиёсатини ошкор қилди. Баёнотда мамлакат бюджети ҳамда молия бозорлари аҳволини яхшилашга қаратилган қатор чора-тадбирлар тилга олинди. Жумладан, рублнинг АҚШ долларига нисбатан «оқма курси» қоидасига амал қилиш, қимматбаҳо қоғозларни қайта «рўйҳатдан ўтказиш», валюта операцияларида маълум чеклашларни жорий этиш, валютанинг четга оқиши устидан назоратни кучайтириш каби тадбирларнинг амалга оширилиши қайд этилди.

Ўз навбатида Россиянинг чет эллик молиявий ҳомийлари ҳам бу мамлакатга инвестиция маблағлари киритишда иккилана бошладилар. Жумладан, Олмония молия вазири Т. Вайгель молиявий ислоҳотларни ичил олиб бориш лозим, сакрашлар эса яхшиликка олиб келмайди, деди. Япония молия вазири К. Миядзава эса қадрсизланган рубл Россия учун қарзлар тўлаш жараёнини мушкуллаштиради, деб айтди. «Файнэншл таймс» газетасининг шарҳчиси М. Вульф инфляция, девальвация ҳукумат жиловидан чиқиб кетса, аҳвол бутунлай чигаллашиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирди.

Мамлакатда давом этаётган иқтисодий-молиявий тангликни ҳисобга олиб, президент Б. Ельцин дума депутатларидан навбатдан ташқари мажлис ўтказишни илтимос қилди. Россия оммавий ахборот воситалари шарҳчилари яқин орада молиявий инқироз барҳам топмаса керак, деган фикрни билдирмоқдалар.

МУЗОКАРАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

БМТ БОШ котибининг махсус вакили Пракаш Шох айни кунларда Ироқ ҳукумати билан музокаралар олиб бормоқда. Унинг зиммасига Ироқ ҳукуматини БМТ махсус комиссияси ва МАГАТЭ вакиллари билан ҳамкорлик қилишни давом эттиришга кўндириш вазифаси юклатилган.

Бу орада БМТ Хавфсизлик Кенгаши ўзининг мазкур масалага бағишланган мажлисини ўтказди. Унда комиссия ўз ишини давом эттириши керак, деган қарорга келинди.

«ПОПКОМ» — УЛКАН ТОМОША

ОЛМОНИЯДА «Попком» деб аталган замонавий мусиқага бағишланган халқаро фестивал ниҳоясига етди. Унда 2,5 мингга яқин ижрочи қатнашди. Фестивал давомида мусиқачилар ўз муҳлисларига мингга яқин янги концерт дастурларини ҳадя қилишди. Қизиғи шундаки, ўтказилган концертларнинг барчасига кириш бепул бўлди. Мазкур фестивал ўнинчи бор ўтказилди. У жаҳонда бўлиб ўтадиган барча замонавий мусиқа томошалари орасида энг каттаси ҳисобланади.

НИҲОЯТ ТАН ОЛДИ

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ўтган сонларида хабар берганимиздек, 17 август куни АҚШ президенти Билл Клинтон ўзининг ва Оқ уйнинг собиқ ходимаси Моника Левински ўртасидаги алоқаларга тегишли жанжал юзасидан судьяларнинг катта ҳайъати олдида сўроқларга жавоб берди.

Аввалари рад этган бўлишига қарамасдан, беш ярим соат мобайнида махсус прокурор Кеннет Старр томонидан ўтказилган тергов давомида Б. Клинтон М. Левинскига нисбатан ҳақиқатан ҳам «нозик», «ўзига номуносиб» муносабатда бўлганлигини ниҳоят тан олди. У бу билан «катта хато»га йўл қўйганлигини, эндиликда «афсус чекаётганлигини» эътироф этди.

Шуниси қизиқки, АҚШнинг 42-президенти 19 августда 52 ёшга тўлди. Юқоридаги машмашалар туфайли у таваллуд кунини беш кун аввал оила аъзолари, дўстлари билан Оқ уйда нишонлаган эди. Лекин, хурсандчиликлар татимади. 17-да бошланган асаббузарликлар ҳар қандай вазиятдан осонликча чиқиб кета олиш қобилиятига эга бўлган «силлиқ» Биллнинг «шохини» анча қайириб қўйди.

Энди эса илгари нотўғри кўрсатма бергани, оиласи аъзолари ҳамда яқинларини, адлия ходимларини алдаб келганлиги учун Б. Клинтонга нисбатан импичмент яъни лавозимидан четлаштириш тамойили эълон қилиниши мумкин. АҚШ Конституциясига биноан ОҚ уй раҳбарига қарши фақат Конгресснинг қарори билан жиноий иш қўзғатилади. АҚШ тарихида шу чоққача икки президентга нисбатан шундай чора қўлланилган. Дастлаб 1868 йилда ўн еттинчи президент Эндрю Жонсон, 1974 йилда эса Ричард Никсон Конгресс сенати томонидан суд қилинган эди.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ДУШАНБА, 24

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.40 «Таҳлилнома».
*
8.40 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.05 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
9.25 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига** Н. Абдуллаев. «Мустақиллик дарвозаси». Телевизион театр. 5-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.00 Жаҳон спорти.
10.15 «Омад юлдузи». Телевизион ўйин.
10.50 **Мустақиллик одимлари.**
10.55 Кино янгиликлари.
11.10 Жаҳон киноси юлдузлари.
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
12.05 Кундузги сеанс. «Бурилиш». Бадиий фильм.
13.40 «Фермер». Телетанлов.
14.10—15.10 Н. Камол. «Жалолиддин Хоразмшоҳ». Телеспектакль. 1-қисм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Яшил орол сири». Мультфильм.
18.20 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
18.40 «Олам ва одам».
19.00 **Мустақиллик одимлари.**
19.05 «Сизга айтар наволарим бор». Мусиқий дастур.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.05, 23.25 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Истиқлолим, сени куйлайман». Мусиқий дастур.
22.10 «Сиёсат оламида».
22.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: Алп Жамол. «Ғизғизон». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-қисм.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 24.00 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.40 «Жаҳон урушларининг махфий архивларидан». Телесериал.
19.05 «Мафтункор диёр».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.20 «Мусиқий лаҳзалар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Олтин мерос».
21.20 «Фолти минораси» меҳмонхонаси». Телесериал.
22.10 «Бурч ва масъулият».
22.20 «Даракчи»(рус тилида).
22.30 Оҳанглар ва эълонлар.
22.40 Кинонигоҳ. «Раввин Якоб саргузаштлари».
00.20 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

* * *
17.05 Янгиликлар.
17.10 «Аралаш». Болалар учун ҳажвий киножурнал.
*
Россия жамоат телевидениеси
17.20 — 20.40
*
20.40 Эълонлар.
20.45 «Гўзалликнинг қошида ахир...»
*
Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30
*
21.30 Дастин Хофман. «Синов муддати» фильмида.
23.15 — 23.35 «Ахборот»(рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфильм».
19.05, 21.35 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига** «Шукрона».
20.00 «Жаҳон».
20.20 «Тошкент фавворалари». Кинолавҳа.
20.25 «Ўзбекистон — умумий уйимиз» рукнида «Чинор» видеоканали.
«Айчурек»
«Умид».
21.15 «Намастэ».
21.40 Киноматограф «Зина, Зинуля».
23.05 «Гўзаллик ва мангулик ҳақида».
23.25 Спорт-тайм.
23.55 — 00.05 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 25

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Созимдасан, муҳаббат». Мусиқий дастур.
9.05 **Мустақиллик одимлари.**
9.10 Алп Жамол. «Ғизғизон». Телевизион бадиий фильм. 1-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.35 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига** «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Учқора». Премьера.
10.45 Болалар учун. «Дўстлик фестивали».
11.20 «Ҳозирги ёшлар».
11.45 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 31-серия.
12.05 «Сиҳат-саломатлик» почтаси.
12.25 Ўзбек куйларидан концерт.
13.00 Н. Камол «Жалолиддин Хоразмшоҳ». Телеспектакль. 2-қисм.
14.10—15.40 Футбол. Ўзбекистон кубоги.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун «Табиат алифбоси».
18.25 «Мулк ва муносабат».
18.40 «Уйлатиб қўйдинг яна» У. Ҳамдамов куйлайди.
18.55 «Тарих ва тақдир».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 23.40 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 Мустақиллик бекати.
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Олам қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
21.30 «Акс-садо».
22.00 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига** «Ўзлигинг намоён қил». Экранда — Самарқанд вилояти.
22.35 Теннис. Ўзбекистон Президенти кубоги олдидан.
22.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: Алп Жамол «Ғизғизон». Телевизион бадиий фильм премьераси 2-қисм.
23.45 «Ахборот».
00.10—00.15 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.25 «Еввойи ҳайвонот олами».
19.05 Кундалик.
19.15 Шарқ эстрадаси.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Тошкентнома».
20.15 «Очун».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Фолти минораси» меҳмонхонаси». Телесериал.
21.50 «Даракчи».
22.00 «Спорт қитъаси».
22.30 Кинонигоҳ. «Дельта операцияси».
00.10 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.05 Янгиликлар.
17.10 «Аралаш». Болалар учун ҳажвий киножурнал.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00
17.20 — 20.40
*
20.40 Эълонлар.
20.45 «Телешифокор».
*
Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30
*
21.30 Шарқ киноси. «Динозавр ҳақида афсона». Бадиий фильм. (Япония).
23.10 — 23.30 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфильм».
19.05 Телефакт.
19.15 Мусиқий танаффус.
19.30 «ТВ-4 да» немис тўлқини».
19.45, 21.15 — Эълонлар.
19.50 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.35 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
20.50 Мусиқий танаффус.
20.55 Хит-коллекция.
21.20 «Жаҳон киноси».
23.00 — 23.10 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 26

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Рақслар гулдастаси». Концерт.
8.45 «Бугуннинг ўйлари».
9.00 «Олимпиадачилар орамизда». Спорт дастури.
9.15 Алп Жамол. «Ғизғизон». Телевизион бадиий фильм 2-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.30 «Алифбо сабоқлари».
11.00 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Йилнинг тўрт фасли».
11.10 Болалар учун. «Биз мактабга борамиз».
11.30 «Акс-садо».
12.05 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» почтасидан.
12.45 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 32-серия.
13.00 Н. Камол «Жалолиддин Хоразмшоҳ». Телеспектакль 3-қисм.
14.10 — 14.30 «Жараён».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун «Бомбибом» эртаклари.
18.40 «Утмишдан садолар».
18.55 «Ранглар жилоси».
19.10 «Ҳуқуқий жамият сари».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига** «Озодлик». Видеофильм 1-қисм.
21.50 «Қўшиққа кўчган сатрлар». Азим Суюн.
22.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: Алп Жамол «Ғизғизон». Телевизион бадиий фильм премьераси. 3-қисм.
23.25 «Ёшлар» телеканали:
«Қулги терапияси».
«Ёшлар ва эстрада»
00.15 «Ахборот».
00.40 — 00.45 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.35 «Жосуслар». Ҳужжатли сериал.
19.05 «Дойче Велле» тақдим этади...
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Билиб қўйган яхши».
20.15 «Кулгига нима етсин».
20.30 «Ахборот».
21.00 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига** «Ҳудуд».
21.30 «Том Жонс». Бадиий фильм. 1-қисм.
22.30 «Даракчи».
22.40 Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 «Кинонигоҳ».
00.30 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

16.45 Янгиликлар.
16.50 Болалар учун «Эртакнамо чоршанба». Кинокўрсатув.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00
17.30 — 20.40
*
20.40 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
*
Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Шерлок Холмс ва Доктор Ватсон саргузаштлари». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.
23.40 — 24.00 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфильм».
19.05, 22.15 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.

19.55 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига**. «Шукрона».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Дунё ва болалар».
20.30 «Шифокор қабулида».
20.40 «Азизим».
21.05 «Автосалтанат».
21.15 «Нафосат гулшани».
21.45 «Дурдаршан».
22.20 Олтин хазина М.Шайхзода. «Мирзо Улуғбек». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри спектакли. 2-қисм.
23.20 — 23.30 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 27

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 Лирик тароналар.
9.00 «Бокира туйғулар».
9.15 Алп Жамол «Ғизғизон». Телевизион бадиий фильм. 3-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.30 «Меҳр қолуғ».
10.45 **Мустақиллик одимлари.**
10.50 «Спортчилар сулоласи».
11.05 «Мусиқий саёҳат».
11.25 «Озод юрт одамлари».
11.45 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 33-серия.
12.05 «Ажаб саодат эрур». Бадиий-публицистик кўрсатув.
12.30 «Кетмас давлат бирсин».
12.55 Н. Камол «Жалолиддин Хоразмшоҳ». Телеспектакль. 4-қисм.
14.10 — 14.30 Болалар учун. «Бир сиқим тупроқ».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.30 «Мулоқот». Адабий кўрсатув.
18.50 «Меҳнат ва қонун».
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 20.55, 22.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн иккинчи сессияси олдидан. «Парламент соати».
21.25 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига:** «Озодлик» Видеофильм. 2-қисм.
21.55 Самарқанд вилояти Пайариқ тумани бадиий ҳаваскорларининг концерти.
22.25 Саид Аҳмад. «Буқаламун билан учрашув».
22.55 «Сомон йўли».
23.55 «Ахборот».
00.20 Футбол. Ўзбекистон чемпионати «МХСК» — «Насаф».
01.05 — 01.10 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.40 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.00 «Катта танаффус». Телеўйин.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Бир жуфт қўшиқ».
20.05 «Табобат оламида».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Одобнома».
21.10 Мумтоз наволар.
21.30 «Сир».
21.45 «Даракчи»(рус тилида).
21.55 Оҳанглар ва эълонлар.
22.15 Оилавий экран. «Маҳаллада дув-дув гап».
23.35 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.05 Янгиликлар.
17.10 «Маънавият ҳазинаси». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00
17.20—20.40
*
20.40 «Юлдузлар мангу ёнади».
*
Россия давлат телевидениеси
21.00—21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Кино сайёраси».
21.55 «Яшаш шароитининг кўриниши». Бадиий фильм.
23.40—24.00 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфильм».
19.05 «Суҳбатдош».
19.25 «02» тўлқинида.
19.40 «Ракурс». Бадиий-публицистик кўрсатув.
20.10 «Лаззат».
20.30, 22.00 — Эълонлар.
20.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.20 «Ҳаммаси мода ҳақида».
21.40 «Мусиқий Олимп».
22.05 Киносалон.
23.45—23.55 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 28

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Ойламиз оҳанглари». Мусиқий дастур.
8.50 **Мустақиллик одимлари.**
8.55 «Ҳамкорлик ва тараққиёт».
9.15 «Созга солдим Алпомишни».
9.45 «Мозийдан бир мўъжиза».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Қишлоқ ҳаёти».
10.30 «Бир наво истар кўнгил». Мусиқий дастур.
11.05 «Ҳақ сўз».
11.20 «Устоз». Телеочерк.
11.45 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 34-серия.
12.05 «Ислоҳот истиқболи».
12.25 Болалар учун. «Доно бобо даврасида».
12.50 Н. Камол. «Жалолиддин Хоразмшоҳ». Телеспектакль. 5-қисм.
14.10—14.35 «Соғлом авлод — соғлом миллат».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Қайғусиз қувонч бўлмас». Мультфильм.
18.20 «Юксалиш».
18.35 «Қалб гавҳари». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.00 **Мустақиллик одимлари.**
19.05 «Етти иқлим садоси».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Омонлик тилаймиз».
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн иккинчи сессиясида.
22.30 Санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг концерти.
23.10 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Озодлик». Видеофильм. 3-қисм.
23.40 «Ахборот».
«Мунаввар дунё». Дам олиш дастури:
00.05 «Истиқлол фидоийлари».
00.25 Бадиий фильм.
01.40—01.45 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ўйна, болажон, ўйна».
18.30 «Бор экан-да, йўқ экан».
18.45 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Умид қалдиргочлари».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Яхши дам олинг».
20.10 «Туйғуларим».
20.15 «Ҳар лаҳзада қўшиқ».
20.30 «Ахборот».
21.00 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Ёнмаган ёзувлар».
21.25 «Том Жонс». Бадиий фильм. 2-қисм.
22.25 «Даракчи».
22.35 Оҳанглар ва эълонлар.
22.45 Бокс. Бокс. Бокс.
23.05 Кинонигоҳ. «Оилавий бизнес».
00.45 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

16.55 Янгиликлар.
17.00 Болалар учун. «Бинафша».
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00
17.20—20.40
*
20.40 «Фильмлар в тақдирлар». Кинокўрсатув.
*
Россия давлат телевидениеси
21.00—21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Оскар» совриндорлари: «Ҳаётимиздаги энг сара йиллар» (1945 йил). Бадиий фильм.
23.30—23.50 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфильм».
19.05 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
19.25 «Бу бўстон аро...»
19.50 «Саломат бўлинг».
20.10, 22.05 — Эълонлар.
20.15 «Морена Клара». Телесериал.
21.00 «Бегойим».
21.25 «Дурдаршан».
21.55 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Шукрона».
22.10 Кинематограф. «Шаҳарликлар».
23.30 Араб эстрадаси.
24.00—00.10 «Мунаввар тонг истаб...»

ШАНБА, 29

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Янги тароналар». Миллий эстрада қўшиқ-куйлари ғолибларининг концерти.
9.05 «Зиёрат».
9.15 «Олтин тож». Телеўйин.
9.40 «Шоҳруҳ» клуби.
10.00 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 35-серия.
10.15 **«Ёшлар» телеканали**
«Шу Ватанга бордур менинг керагим».
«Муҳаббат дарси».
«Вақтинг кетди».
«Истеъдодлар унар боғ».
«Ўзбекистон аскарлари».
«Гулдаста». Мусиқий дастур.
*
12.15 «Мактаблар янги ўқув йилига шаймиз».
13.15 «Нақадар тотли сўз — Озодлик» рукнида «Ганди». Бадиий фильм. 1-серия.
14.45 **Ўзбекистон Республикаси мус-тақиллигининг 7 йиллигига.** «Маънавият». Бадиий-публицистик кўрсатув.
15.15—15.30 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
* * *
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 Футбол. Ўзбекистон кубоги. Финал. «Пахтакор» марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида «Фламинго». Кинокўрсатув.
18.55 «Фермер». Телетанлов.
19.25, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн иккинчи сессиясида.
22.30 «Ватан мадҳи». Мусиқий дастур.
23.00 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Озодлик». Видеофильм. 4-қисм.
23.30 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури
23.55 «Нақадар тотли сўз — Озодлик» рукнида «Ҳуррият». Бадиий фильм. 5-серия.
00.45—00.50 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Боланинг тили».
18.30 Спорт қитъаси.
19.00 «Таянч».
19.15 «Киноконцерт».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бизнес-академия».
20.10 «ТВ ва театр».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Даллас». Телесериал.
21.50 «Буюк трио». Мусиқий дастур.
22.30 «Даракчи».
22.40 Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 Кинонигоҳ. «Мушук».
00.40 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.10 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
17.15—22.25
*
22.25 Эълонлар.
22.30 «Маъмун академияси».
22.45—23.20 «Козим Қаюмов куйлайди». Фильм-концерт.

ЎзТВ-IV

10.05 «Шанба эртаги».
11.15 «Рақслар қанотида».
11.40—12.10 «Кросс Роудс» кафесига хуш келибсиз!» (Инглиз тили ҳамма учун).
* * *
17.10—18.45 Туркия телевидениеси
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфильм».
19.05 «Авторейд».
19.15 «Далил ва шарҳ».
19.30 «Спектаклдан сўнг».
19.55, 22.15 Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Эсдалик учун дастхат».
21.10 «Бу ажиб дунё».
21.30 «Ассалом, Франция!».
21.55 «Хит-коллекция».
22.20 Киносалон.
24.00—00.10 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 30

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.10 «Мунаввар даргоҳ остонасида».
9.30 **«ЁШЛАР» телеканали:**
«Мушоира».
«Ватанимга хизмат қиламан».
«Куйла, ёшлигим».
*
11.20 «Ёзувчи ва замон».
11.40 Болалар учун «Бомбибом» эртаклари.
12.20 **Мустақиллик одимлари.**
12.25 Бугун Шахтёрлар куни.
12.55 «Нақадар тотли сўз — «Озодлик» рукнида «Ганди». Бадиий фильм. 2-серия.
14.25—15.05 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Гулғунчалар».
18.15 «Бахтли воқеа». Телеўйин.
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 — Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанба оқшомида». Мусиқий дам олиш дастури.
21.50 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Озодлик». Видеофильм. 5-серия.
22.20 ТВ-I намойиш этади: Телеанонс.
22.30 «Келин-куёв». Телешоу.
«Аср мўъжизаси» кинодастури.
23.30

СОҒЛИҒИНГИЗ ҚАНДАЙ, ОНАЖОН?

«Соғлом авлод учун» жамғармаси вилоят бўлими хизматидаги «Амбуланс» — ҳаракатдаги тиббий кўрик пункти қишлоқ аёллари саломатлигини назорат қилишни давом эттирмоқда. Яқинда унинг шифокорлари Жумабой Нуров ҳамда Саидахон Юсуповалар Оҳангарон туманида хотин-қизларни тиббий назоратдан ўтказишиб, кам таъминланган оилалардаги фарзанд кўрган оналарга чақалоқлар кийим-кечакларини тарқатиб қайтишган эди. Энди «Амбуланс» Ўртачирчиқ туманига йўл олди.

— Байрамолди сафарларимиз чоғида, албатта, барча туманлар аҳолисини қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиляпмиз, — деди жамғарма раиси Жаҳон Роҳатова, — хусусан, Бекобод, Пскент туғруқхоналари мажмуига бу сафар дори-дармонлар билан бирга 300 та ётоқ ашёлари — чойшаблар, ёстиқ жилдлари, кўрпа ғилофлари тарқатиш режалаштирилди.

Саид ВАЛИЕВ.

ЭНДИ ҚИШЛОҚНИНГ ЎЗИДАН ТОПИЛАДИ

ЮРТИМИЗДА инсон саломатлигини асраш, беморларга ўз вақтида малакали тиббий ёрдам кўрсатишга катта эътибор бериб келинмоқда. Ўтган йиллар мобайнида республикамизнинг ҳамма ерида, ҳатто, энг чекка қишлоқларида ҳам янги шифохоналар, дорихоналар қурилаётгани фикримизнинг далилидир. Ушбу масканларда хизмат қилаётгани кўплаб малакали шифокорлар эл соғлиғини мустаҳкамлаш йўлида ҳормай-толмай ишламоқдалар.

Куни кеча вилоятимизнинг Ғазалкент шаҳри аҳолиси истиқлол байрамининг етти йиллиги арафасида қурувчилардан совға олди. Бу ерда барча қулайликларга эга бўлган замонавий дорихона фойдаланишга топширилди. «Оқтош» фирмасига қарашли ушбу дорихона тезда мижозларнинг эътиборига тушди. Бунинг сабаби бор, албатта. Чунки илгари шаҳардаги ва шаҳарга туташ қишлоқлардаги дорихоналарнинг кўпи мослаштирилган биноларга жойлашган бўлиб, етарли ускуналар билан таъминланмаганди. Шу туфайли ҳам бу ерларда зарур дори-дармонларни доимо керакли вақтда топиб бўлмасди. Одамлар дори ахтариб ҳатто Тошкентга келиб кетишга мажбур бўлишарди.

— Биз муаммони ҳал этиш учун дориларни керакли ҳароратда сақлаш, айримларини шу ерда тайёрлаш имкони бўлган замонавий дорихонани қуриш ташаббуси билан чиққанимизда вилоят ва туман ҳокимликлари қўллаб-қувватлашди. Фақат қўллаб-қувватлашдигина эмас, амалий ёрдам ҳам беришди, — дейди фирма директори Зокир Ҳомитов.

Айни кунларда дорихонага кирган кишининг кўзи қувнайди. Ўзбекистонда ва чет элларда тайёрланган дориларнинг зарурини бемалол топишингиз мумкин. Улар махсус жойларда, мўътадил ҳароратда сақланаётгани учун ҳам сифатига эътироз йўқ.

Ҳозирча дори-дармонлар аҳоли эҳтиёжига қараб «Жўрабек», «Пфайзер», «Ўзмедэкспорт», «Форст формосьютикал лимитед» фирмалари ва «Фармокль» компаниясидан тез-тез келтирилиб турипти.

Бўстонлиқ замини доривор гиёҳларга жуда бой. Фирма келгусида ана шу гиёҳлардан ҳам дори тайёрлаб, арзон нархларда аҳолига етказиб беради. Шунингдек, бу ерда фитобар очиш мўлжалланмоқда.

Р. КАРИМЖОНОВ.

СУРАТЛАРДА: дорихонанинг ташқи кўриниши; доришунус Зуҳра Хомитова ва Муҳаббатхон Муҳамедовалар харидорга маслаҳат беришмоқда.

Зулфиқор ПЕРНЕЕВ. олган суратлар.

ҒОЛИБ ОИЛАЛАР

ЗАНГИОТА туманида мустақиллигимизни чин дилдан қувватлаб, уни мустаҳкамлаш ишига фаол ҳисса қўшаётган оилалар кўп. Туманда ўтказилаётган «Энг намунали оила» кўрик-танлови ана шундай хонадонларни аниқлаш, тажрибасини ёйиш, эзгу ишларини ибрат қилиб кўрсатиш учун фойдали восита бўлмоқда. Яқинда туман марказида бўлиб ўтган ушбу танловнинг якунловчи босқичи ибратли оилаларнинг ҳар жиҳатдан кўпайиб чин маънода жамиятнинг «уриб турган юраги»га айланиб бораётганини яна бир бор тасдиқлади.

Танловда туманнинг Эшонгузар қўрғонида истиқомат қилувчи Носир Бекмирзаев оиласи ҳамда Эркин қишлоғида яшовчи Мадамин Қўзибоев оиласи ўзаро беллашдилар. Ҳакамлар ҳайъати ва томошабинлар ушбу оилаларнинг ҳаётга муносабати, пазандачилик санъати, маънавий олами, миллий касб-ҳунарга эътибори каби фазилатларни қандай эгаллаганликларига гувоҳ бўлдилар. Танлов шартларини бир-биридан аъло бажаргани ва бу шартларга нафақат саҳнада, балки ҳаётда ҳам тўла амал қилаётганини намойиш этган иккала оила ҳам ғолиб деб тан олинди.

Тадбирда иштирок этган тумандаги 1-мактаб бадиий ҳаваскорлик жамоаси ўзларининг чиройли куй-қўшиқ ва рақслари билан йиғилганлар кўнглини хушнуд этди.

Ғолиб оилаларни туман ҳокимининг муовини, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилором Тошмедова табриклаб, қимматбаҳо эсдалик совғаларини топширди.

Жамила АРСЛОНОВА.

БОЛАНИНГ ТИЛИ ШИРИН

НАРГИЗА келгач, кичкина синглиси унга бироз қараб турди-да, деди:

— Опа, сизнинг иккинчи юзингиз қани?

— Нималар деяпсан, — ажабланди Наргиза, — Одамда иккита юз бўларканми?!

— Ундай бўлса, нега ойимлар шундай дейдилар?

— Нима дейдилар?

— Бизнинг Наргиза икки юзламачи, — дедилар.

• • •

КИЧКИНА қизча дўкондан сотиб олишган қўғирчоғини ойисига кўрсатиб, деди:

— Ойижон, айтингчи, кимнинг қизи чиройли?

— Сенингча қандай?

— Албатта, сизнинг қизингиз чиройлироқ...

• • •

БИР АЁЛ ўзининг тиниб-тинчимас боласини уришиб деди: — Бу шўхлигинг, гапга кирмаслигинг билан сочларимни оқартирарксанда?

Бола: — Ойижон, ундай бўлса, сиз ҳам ёшлик чоғингизда шўх бўлган экансизда!

— Нега унақа деяпсан?

— Ана, бувимга қаранг, ҳамма сочлари оппоқ.

• • •

ИККИТА кичкинтой ўзаро суҳбатлашяпти:

— Дониёр, сенда иккита мушук бор. Биттасини менга бер. Мен ҳам мушук боқмоқчиман.

— Қайсинисини олмоқчисан?

— Оқини берсанг ҳам майли.

— Йўқ, уни ўзим ёқтираман.

— Унда қорасини бер.

— Уни берардим, лекин ўзинг ёқтирмаган нарсани бошқага ҳам раво кўрма, деганлар дадамлар.

• • •

КИЧКИНА Рустам опасининг кўзгу олдида бўяниб ўтирганини томоша қилиб турарди. Опаси қошига қалам сурди, киприкларини бўяди.

— Укажон, энди чиройли бўлдимми? — деди.

— Йўқ, чиройли бўлмадингиз.

— Яна нима етишмаяпти?

— Бурнингизни бўяш қолди, шунда нақ масхарабоз бўласиз.

Баҳриддин ТУРҒУНОВ тайёрлади.

«ТРАКТОР» ТАДБИРИ

ТРАКТОРЛАР қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида, одамлар ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Лекин шуни афсус билан таъкидлаш жоизки, сўнгги пайтда тракторлар билан йўл-транспорт қоидаларини бузиш бирмунча кўпайди.

Бу ниманинг оқибати? Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, хўжаликлар, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари тракторларнинг доимо соз ҳолатда бўлишига эътибор беришмаяпти. Кўпинча бузуқ тракторлар йўлга чиқарилмоқда. Айрим ҳолларда уларни ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмаган, тиббий кўрикдан ўтмаган кишилар бошқармоқда. Буларнинг ҳаммаси бахтсиз ҳодисаларга олиб келиши аниқ.

Бунга эса мисоллар анчагина. Масалан, вилоят ДАН бошқармаси ходимлари жорий йилнинг ўтган етти ойи мобайнида 18 маротаба тракторлар билан йўл-транспорт қоидаси бузилганлигини аниқладилар. Ваҳоланки, ўтган йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 14 тани ташкил этганди.

Ҳадемай пахта йиғим-терими мавсуми бошланади. Шу муносабат билан вилоят ҳудудида трактор билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳайдовчилар ўртасида интизомни мустаҳкамлаш, «оқ олтин» мавсумини муваффақиятли ўтишини таъминлаш мақсадида 1 августдан бошлаб махсус «Трактор» тадбири ўтказилмоқда.

Жамоа, фермер хўжаликлари ва ташкилотлардаги тракторларнинг техник ҳолати синчиклаб ўрганиляпти. Тракторлар кўп юрадиган жойларда махсус текширувлар бўлди. Қисқа вақтда 494 та қоидабузарлик ҳоллари аниқланди. Мақсадимиз барча тракторлар мавсумга соз бўлсин. Улар йиғим-терим пайтида тўла қувват билан ишлатилиб, вилоятимизнинг юксак хирмонига муносиб ҳисса қўшсин.

Абдужаббор ЭРМАТОВ, вилоят ИИБ ДАН бошқармаси нозири, милиция катта лейтенанти.

Об-ҳаво

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар беришларича, 23-26 август кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради.

Дастлабки пайтда айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Кейинчалик ҳаво очиқ бўлади. Ҳарорат кечалари 16-21, кундуз кунлари аввалига 30-35, сўнгра 33-38 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги «САРДОР ОҚ УЙЛИ» масъулияти чекланган жамият **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида Висол кўчаси, 8-проезд, 3 «а» уйда қабул қилинади.

«ЧИРЧИҚ АВТОБУС САРОЙИ»
ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ
номинаҳ қиймати **500 сўм** бўлган
41.919 ДОНА АКЦИЯЛАРНИ сотади

«ЧИРЧИҚ АВТОБУС САРОЙИ» очиқ турдаги акционерлик жамиятининг асосий фаолияти ЙЎЛОВЧИЛАРНИ ТАШИШ.

Низом фонди – 31.376.5 минг сўм.
1998 йилнинг биринчи ярим йиллигидаги соф даромади 3.037.1 минг сўм.

Маълумот олиш учун телефонлар: 5-50-29, 5-40-96.

СПОРТСПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**

ХОТИРА ТУРНИРИ

Ўтганларни хотирлаш, уларнинг ишини давом эттириш хайрли, дейдилар. Вилоятимиз шаҳар ва туманларида спортимизни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган спортчилар хотирасини ёд этиб ўтказилаётган мусобақалар ана шундай ишларнинг бири.

Яқинда Янгибозорда шу ердан чиққан машҳур футболчи, халқаро тоифадаги спорт устаси Михаил Ан хотирасига бағишлаб футбол мусобақаси ўтказилди. Унда вилоятимизнинг шаҳар ва туманларидаги 10 та футбол жамоаси иштирок этди. Ушбу мусобақага марҳум футболчининг оила аъзолари ва яқинлари ҳам таклиф этилдилар.

Қизиқарли мусобақанинг финал ўйинида Қибрай туманининг «Аланга» ва Юқоричирчиқ туманининг «Бордонкўл» жамоалари ўзаро мусобақалашдилар. Ўйин 2:0 ҳисобида «Аланга» жамоасининг ғалабаси билан якунланди ва у бош соврин эгаси бўлди. Шу куни Михаил Аннинг оила аъзоларига ҳам эсдалик совғалари тақдим этилди.

Энг муҳими бундай турнирлар нафақат ўтганларни хотирлаш, балки спортимизни, хусусан, футболни ривожлантиришга ҳам катта туртки бўлмоқда.

Гаяс МУХАМЕДШИН, вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти етакчи мутахассиси.

«ДЎСТЛИК» — ОЛҒА ИНТИЛМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси 7-миллий чемпионати олий табақа жамоаларининг 2-даврадаги 17-тур ўйинлари кеча бўлиб ўтди.

Унда Тошкент вилоятининг «Дўстлик» жамоаси «Косонсой» жамоасини қабул қилиб, рақиблар дарвозасини 4 маротаба ишғол этди ва ўз дарвозасидан 2 тўп ўтказиб юбориб, учрашувни 4:2 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди, ҳамда муҳим 3 очкони қўлга киритиб, жадвалда 11-ўриндан 8-ўринга чиқиб олди. Шу турнинг асосий учрашуви Қаршида «Насаф» ва «Навбаҳор» ўртасида бўлиб ўтди. Бу учрашувда ҳар иккала жамоа ғалаба учун фаол ҳаракат қилган бўлсаларда, дарвозаларга фақат битта тўп киритилди. Ўйин меҳмонлар фойдасига 1:0 ҳисобида якунланди. Қаршиликлар таркибида тўп сурган икки грузиялик футболчи «Насаф»ни юқори ўринлар учун асосий даъвогарлардан бирига айлантириб қўйди.

Тошкентда армиячилар ўз майдонида «Пахтакор» жамоасини қабул қилдилар. Бу учрашувда «Пахтакор»чилар сафида иштирок этган Игорь Шквирин 1-бўлимнинг 2- ва 28-дақиқаларида армиячилар дарвозасини икки бор ишғол қилиб, учрашув тақдирини ҳал қилиб қўйди. «Пахтакор»чилар 2-бўлимда ҳам фаол ҳаракат қилиб МҲСК жамоаси дарвозасини яна беш маротаба ишғол қилдилар. Тўпларни Игорь Шквирин, Азамат Абдураимов 2 та, Дилмурод Назаровлар киритдилар. «Пахтакор» дарвозасига киритилган ягона жавоб тўпи муаллифи У.Сидоровдир. Пахтакорчилар таркибида бразилиялик футболчи иштирок этди. Устозлар Миржалол Қосимовни майдонга туширмай унга дам бердилар. Игоь Шквирин уч тўп киритиб — «хет-трик»ка эришди.

Фарғонада маҳаллий «Нефтчи» жамоаси Бекободнинг «Металлург» жамоасини қабул қилди. Учрашувнинг 17- ва 28-дақиқаларида «Нефтчи» ҳужумчиси Шуҳрат Мақсудов 2 та тўп киритди. 2-бўлимда футболчиларнинг барча уринишлари зое кетди. Биринчи бўлим натижаси ўйин охиригача ўзгармади. Учрашув 2:0 ҳисобида «Нефтчи» фойдасига якунланди.

Бухорода майдон эгалари Жиззахнинг «Сўғдиёна» жамоасини қабул қилиб, учрашувнинг 44-дақиқасида ўз дарвозаларидан тўп ўтказиб юбордилар. Бухоро жамоаси Д. Файзиев киритган ягона тўпга жавоб тўпи билан жавоб бера олмади. Учрашув охиригача ҳисоб ўзгармади ва «Сўғдиёна» учрашувда 1:0 ҳисобида ғолиб бўлди.

«Трактор» — «Зарафшон» учрашуви 1:1 ҳисобида дуранг натижа билан якунланди.

Бу йилги чемпионат дебютанти Қўқоннинг «Темирйўлчи» жамоаси ўз майдонида Термизнинг «Сурхон» жамоасини қабул қилиб, рақиб дарвозасини уч маротаба ишғол этди, ўз дарвозасидан эса 2 та тўп ўтказиб юборди. Натижада Темирйўлчи муҳим уч очкони қўлга киритди.

17-турдан сўнг «Нефтчи» ва «Пахтакор» жамоалари 39 тадан очко тўплаб, жадвалда карвонбошилик қилмоқдалар. 3-ўринда бораётган «Навбаҳор» жамоасида 36 очко бор.

Навбатдаги турда «Дўстлик» жамоаси Наманганда «Навбаҳор»га қарши майдонга тушади.

Талъат ЮСУПОВ.

Ҳаётий қатралар

ЕРДАГИ ҚУЁШ

ҒУЛОМЖОН ишхонадан чиқиб, автобусга ўтирди дегунча невараси кўз олдига келади. Оллоҳ болажондан ҳуснни аямаган. Очиқ чеҳрали, кўзларида беқиёс шодлик, кулдиргичлари, айниқса, ўзига ярашган. Ғуломжон остона ҳатлаб ҳовлига кирдими, «Ассалому алайкум, дадажон» сўзидан гўё борлиққа файз таралади. Саломга алик оладию, кейин бор вужудла югурган ширинтойнинг оғушида қолади. Ғуломжоннинг ҳорғин чеҳрасига табассум ёйилади.

— Ассаломуалайкум, келдингизми, ҳорманг, адаси.

Бу умр йўлдошининг саломи эди.

— Ассалому алайкум, адажон. Кетма кет саломлар...

Ҳаётнинг ширин лаҳзалари кўп. Улардан бири одоб лаҳзалари, хаёлидан ўтказди Ғуломжон. Кўнгли мамнунлик ила тўлиб, невараси эркалайди. Сен қуёшсан, дейди унга Ғуломжон.

— Қуёш осмонда бўлади-ку, дадажон, — дейди бола кулиб.

— Йўқ, сен ердаги қуёшсан, қалбимга нур бердинг, шириним. Невара чеҳраси офтобдек яшнаб кетади.

Ғуломжон қайта такрорлайди.

— Сен ердаги қуёшим...

ЮРАК АЖРАТМАДИ

Суд уларни ажратди. Бу ерда айтилмаган совуқ сўзлар, ёшлардан қизармаган кўзлар қолмади.

— Сен ундоқсан, — деди эр.

— Сиз бундоқсиз, — паст келмади хотин.

— Ношудсан, тепса тебранмас.

— Ўзингиз, ялқов, дангаса...

Суд уларни ажратди. Хонадан чиқишди. Ранглари қув ўчган Маликага опаси сутдек оппоқ юзли дўмбоққина ўғилчасини тутқазди.

— Ойижон, нега йиғладингиз, — деди бола, жажжи қўллари билан онасининг юзидаги ёшларни артиб.

— Ўзим...

Сал нарида қиёфаси докадек бўзариб Дамир кўринди.

— Адажон, — деди бола унга талпиниб.

Дамирнинг кўзларига ёш қалқиди.

— Ада!Адажон, Сизни соғиндим!..

Дамир ўғли томон интилди.

— Малика юр, бетайинликни қўяйлик, — деди у.

Малика ялт этиб Дамирга қаради. Ич-ичидан алланима отилиб бўғзига тиқилгандек ўзини нохуш сезди. Болани эрига тутқазди.

Суд уларни ажратди. Лекин, юрак ажратмаган эди.

УНДАН БОҒ ҚОЛДИ

Отанинг бутун умри деҳқончилик билан ўтди. Боғ яратди, қўлига ўроқ ушлаб буғдой ўрди. Пайкалларга сув таради. Шунда ўғли Сарвар ўн ёшлар чамасидаги бола эди.

— Сарваржон, бугун от етаклайсан, ўғлим, — деди ота бир куни — картошкага акушник соламиз.

— Хўп бўлади, дада.

— Бугун хизмат энди бошқача бўлади, — деди яна бир куни ота, — мен эгат бошида тураман, сен охирида, туриб сувнинг оёқлаган-оёқламаганини айтасан.

— Майли, дада.

Шу тарзда ота дала юмушларида ниманики бўлса, фарзандининг дилига жо этиб борди. Ёши улғайиб, танасидан мадор кетгач, бир кун ўғлига:

— Энди, болам, дала ишларида кўзинг пишиб қолди, боғни ўзингга топшираман, парваришини бўшаштирма, — дея тайинлаган бўлди.

— Сиз маслаҳат бериб турсангиз бас, бутун юмушларни ўзим қилавераман.

Ота фарзандининг сўзларидан ором топди. Лекин ҳаёт экан, боғни топширгач, орадан ҳеч қанча ўтмай у кўз юмди. Отадан боғ қолди.

— Боғни фарзандига топширди, ўзини ерга, — деди дафн маросимида кимдир...

— Ундан боғ қолди, — дейишди одамлар, демак яхшилик қолди.

Саид АҲМЕДОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48; Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0159. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 8.777 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 18.00. 1 2 3 4 5 6